

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

486 Солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари, электротехника маҳсулотлари, шунингдек, пардозлаш қурилиш материалларига тааллуқли бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2888

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги ПҚ–2843-сон «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қўшимча қулай шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари, электротехника маҳсулотлари, шунингдек, пардозлаш қурилиш материалларига тааллуқли бўлган маҳсулотларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 9 июнь,
134-сон

Г. САИДОВА

Молия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 9 июнь,
62-сон

Б. ХОДЖАЕВ

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 9 июнь,
10-сон

А. ШАДМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 9 июнь,
2017-26-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2017 йил 9 июндаги 134, 62,
10 ва 2017-26-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган фармацевтика
маҳсулотлари ва препаратлари, электротехника маҳсулотлари,
шунингдек, пардозлаш қурилиш материалларига тааллуқли
бўлган маҳсулотларнинг
РЎЙХАТИ**

**1. Фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чи-
қариш:**

Дори воситаларини ишлаб чиқариш;
Провитаминлар, витаминлар ва уларнинг ҳосилаларини ишлаб чиқариш;
Диагностика реагентларини ишлаб чиқариш;
Имунобиологик препаратларни ишлаб чиқариш;
Пахта, дока, докали бинтлар, бандажлар ва шу каби бошқа тиббий боғ-
ловчи материалларни ишлаб чиқариш;
Тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
Биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш (БФҚ).

2. Электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш:

Қайта тикланадиган муқобил манбалардан фойдаланган ҳолда маиший
ва саноат иссиқлик манбаларини ишлаб чиқариш;
Қуёш панелларини ишлаб чиқариш;
Сув тайёрлаш тизимларини ишлаб чиқариш;
Сув филтрлари ва махсус мембраналарни ишлаб чиқариш;
Саноат ва маиший сув филтрлари учун катрижлар ишлаб чиқариш;
Электрон ўйинчоқлар ишлаб чиқариш;
Электрон қисмлар ишлаб чиқариш;
Электрон юклаш панеллари ишлаб чиқариш;
Компьютерлар ва периферик ускуналар ишлаб чиқариш;
Коммуникация ускуналарини ишлаб чиқариш;
Маиший электроника асбобларини ишлаб чиқариш;

Ўлчаш, назорат қилиш, синаш ва навигация учун асбоб ва ускуналар ишлаб чиқариш;

Электр соатлар ишлаб чиқариш;

Нурлантирувчи, электр тиббиёт ва электр терапия ускуналари ишлаб чиқариш;

Оптика асбоблари ва фотография ускуналари ишлаб чиқариш;

Ахборот узатишнинг магнит ва оптик воситаларини ишлаб чиқариш;

Электр двигателлар, генераторлар ва трансформаторлар ишлаб чиқариш;

Электр тақсимловчи ва бошқарув аппаратураларни ишлаб чиқариш;

Батарея ва аккумуляторлар ишлаб чиқариш;

Оптик толали кабель ишлаб чиқариш;

Электр асбоблар ишлаб чиқариш;

Электр ёритиш ускуналари ишлаб чиқариш;

Маиший электр асбоблар ишлаб чиқариш;

Маиший ноэлектр асбоблар ишлаб чиқариш;

Бошқа электр асбоблар ишлаб чиқариш;

Бошқа насос ва компрессорлар ишлаб чиқариш;

Плита, печлар ва печ горелкалари ишлаб чиқариш;

Офис техникаси ва жиҳозлари ишлаб чиқариш (компьютерлар ва периферик ускуналардан ташқари);

Электр қўл асбоблар ишлаб чиқариш;

Саноат совитиш ва вентиляция ускуналар ишлаб чиқариш;

Маиший ва савдо совутгичлар ишлаб чиқариш;

Кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш;

Тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш;

Видеокузатув тизимлар ишлаб чиқариш;

Телевизорлар ишлаб чиқариш;

Маиший кондиционерлар ишлаб чиқариш;

Электр қозонлар, радиаторлар ва сув иситгичлар ишлаб чиқариш;

Касса аппаратлари ва терминаллар ишлаб чиқариш;

Электр ўрнатгич қурилмаларини ва кичик маиший электр техникалар ишлаб чиқариш (дазмол, электрчойнак, вентиляторлар);

Автотранспорт воситалари учун электр ва электрон бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш.

3. Пардозлаш қурилиш материалларини ишлаб чиқариш:

Гипсокартон плиталар, шунингдек гипсдан тайёрланган махсулотлар ишлаб чиқариш;

Қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқариш;

Оқ цемент ишлаб чиқариш;

Оҳак ва бўр ишлаб чиқариш;

Пардозлаш ишлари учун бетон қоришмаларини ишлаб чиқариш;

Сиртқи қисмларни қоплаш учун керамик плиткаларни ишлаб чиқариш;

Шпаклёвка, замазка, грунтовка, мастика, пардозлаш пасталари ва ПВА елимларини ишлаб чиқариш;

Девор ва шифтларга ишлов бериш учун пластик ва композит панелларни ишлаб чиқариш;

Табийй тошлардан пардозлаш плиталарини ишлаб чиқариш;

Керамогранит ишлаб чиқариш;

Ёғоч-қиринди плиталари (ДСП) ишлаб чиқариш;

Ёғоч-толали плиталари (ДВП) ишлаб чиқариш;

Ўртача зичликдаги ёғоч-толали плиталар ишлаб чиқариш (МДФ);

ПВХ (поливинилхлорид) панеллари ишлаб чиқариш (девор ва шифтлар учун материал);

Осма, кассетали ва тортиладиган шифтлар учун материаллар ишлаб чиқариш;

Алюмин-композит панелларини ишлаб чиқариш;

Бинонинг пластикдан ясалган эшиклари, деразалари, зинапоялари, деворлари ва бошқа қисмларида стационар ўрнатиш учун мўлжалланган фитинг ва мустаҳкамловчи қисмларни ишлаб чиқариш;

Плентуслар ишлаб чиқариш;

Линолеум, паркет, ламинат, қўйма поллар учун қоришмалар, пўкак поллар, ковролин, каучукли қопламалар ва модулли пол қопламаларини ишлаб чиқариш;

Ёғочли поллар ўрнатиш учун арраланган бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш;

Бадийй сувоқ материаллари, гул қоғозлари ишлаб чиқариш;

Бўёқлар, лаклар ва бошқа бўёқ материалларини ишлаб чиқариш;

Пенопластдан шифт плиталарини ишлаб чиқариш;

Магний-ойна листларини ишлаб чиқариш;

Қурилиш аралашмалари ва қоришмалари (эритмалари) ишлаб чиқариш (цемент, гипс ва бошқалардан);

Оловга бардош бермайдиган сопол том черепицалари, металл черепица, шунингдек, юмшоқ, рулонли, қўйма (тўлдирувчи), листли том қопламалари ва бошқа донали материаллар ишлаб чиқариш;

Иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган материалларни ишлаб чиқариш;

Пластик плита, лист, плёнка ва зарқоғозлар ишлаб чиқариш (ғовак, қатламли, темир ёки бошқа материаллар билан бирлашган ёки қопланганлардан ташқари);

Сунъий бўялган гранулалар, мрамрдан бўлган кукунлар ва увоқлар, травертин ва алебастр ишлаб чиқариш.

4. Мазкур Рўйхат «Ўзфармсаноат» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ билан келишилган.

«Ўзфармсаноат» АК
бошқаруви раиси

М. ДУСМУРАТОВ

2017 йил 9 июнь

486-модда

— 268 —

23 (783)-сон

*«Ўзэлтехсаноат» АК
бошқаруви раиси*

Ф. БОҚИЕВ

2017 йил 9 июнь

*«Ўзқурилишматериаллари»
АЖ бошқаруви раиси*

Б. ЗАРИПОВ

2017 йил 9 июнь